

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:634.333:339

РОЗИКОВ ЖАҲОНГИР МУСТАҚИМ ЎҒЛИ


**“МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

(Бухоро вилояти мева-сабзавотчилик кластерлари мисолида)

08.00.13 – “Менежмент” ихтисослиги бўйича

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Р.Хакимов



Тошкент шаҳри – 2023 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....		3
I боб МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК БОШҚАРИШНИНГ АСОСЛАРИ.....		КЛАСТЕРЛАРИНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ
1.1-§. Мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари.....		13
1.2-§. Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришнинг ташкилий-хуқуқий асослари.....		26
1.3-§. Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкилий-иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.....		41
I боб бўйича хulosалар.....		52
II боб МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ....		КЛАСТЕРЛАРИНИ АСОСЛАРИ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ....
2.1-§. Мева-сабзавот ишлаб чиқариш ҳажмлари ва соҳада амалга оширилаётган таркибий-миқдорий ўзгаришлар динамикаси.....		54
2.2-§. Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқарув механизмининг ҳозирги ҳолати.....		68
2.3-§. Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришнинг хорижий тажрибалар таҳлили.....		84
II боб бўйича хulosалар.....		105
III боб МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....		КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....
3.1-§. Мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва бошқарув механизмини бозор тамойилларига мослаш йўллари.....		108
3.2-§. Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш.....		119
3.3-§. Мева-сабзавотчилик кластерларининг бошқариш механизмини ривожлантириш истиқболлари.....		132
III боб бўйича хulosалар.....		149
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....		152
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....		157
ИЛОВАЛАР.....		167

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқовқат маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши шароитида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кластер усулида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш кенг йўлга қўйилмоқда. Турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш мураккаблашаётганлиги, глобал табиий-иклим ўзгариши, Covid-19 пандемиясининг дунё бўйича кенг тарқалиши барча соҳалар сингари мева-сабзавот етиштирувчи хўжаликларда ва уларни бошқаришда муаммоли вазиятларнинг юзага келишига олиб келмоқда. “Дунё бўйича 2021 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида жаҳон бозорида 290 миллиард долларга баҳоланди. ФАО мутахассислари маълумотига кўра яқин келажакда «хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги кузатилиши» таъкидланган”¹. Ривожланган мамлакатларда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришда ихтисослашган кластерлар усулидан фойдаланиш орқали тармоқни ривожлантириш, замонавий ресурстежамкор технологияларни қўллаш ҳамда замонавий бошқарув тизимини жорий этишга кенг эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли экологик инқирозлар ва техноген сабабларга кўра кўплаб ривожланган мамлакатларда мева-сабзавот ишлаб чиқариш улушининг кескин камайиб бориши шароитида мазкур муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экологик тоза, сифатли маҳсулотларини етиштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини самарали ташкил этиш, рақамли платформа ва технологияларни жорий этиш, мазкур фаолиятни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш бу борадаги устувор илмий-тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

¹ <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cb4477en/>